

МУСИҚА ВА РАҚСНИНГ НАЗМУ-НАВОСИ

Валиева Севинч Афрясабовна,

Ўзбекистон давлат хореография академияси

“Хореография жамоалар раҳбари” йуналишининг

2-курс талабаси Илмий раҳбар:

Дурдона Абдухакимова,

Ўзбекистон давлат хореография академияси

“Хореография жамоалар раҳбари” кафедраси доценти

(e-mail: durdona.abduxakimova@bk.ru)

Аннотация: Ушбу мақолада хореографнинг амалий фаолиятида композиция қонунларини, муסיқа ва хореография жанрларни чуқур тушуниш, илмий-ижодий ишларни замон талаблари даражасида аҳамиятини ошириш ва хореографик асар яратишда муסיқашунос билан хореографнинг ўзаро боғлиқ ишларининг самарадорлиги ёритилган.

Калит сўзлари: тарих, тафаккур, муסיқа, рақс, гоя, муסיқий композиция, композитор, балетмейстер, хореография, драматургия, образ, инновация.

Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракат ва жунбушга келтиришда муסיқа ва рақснинг аҳамияти беқиёсдир. Муסיқа ва хореография санъати асарларининг асосий маъно-мазмунини бадиий гоялар ташкил этади ва уларни биз кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлар деб биламиз. Муסיқа тарбияси нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб қирраларидан бири бўлиб, атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этиш ва қадрлашга ўргатади. Муסיқа инсонни юксак дид билан қуроллантиради ва маънавий дунёқарашини шакллантиради. У инсон ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, тингловчиларни нафосат оламига олиб кириш ва гоявий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Улкан қомусий олим Абу Наср Форобий “Муסיқа нафақат инсонларни тарбиялайдиган, балки унинг руҳини даволайдиган омил” деб атайди. Муסיқани фақатгина диққат билан тинглабгина ифода этамиз. Муסיқа инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари ва тасаввурларини муסיқий товушлар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат туридир. Унинг мазмуни ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи муайян муסיқий бадиий образлардан иборат бўлади. Шу боис ёшларда муסיқа маданиятини тарбиялаш, муסיқий жанрлар билан таништириш ва уларни чуқур ўрганиши келажакда муסיқани тўғри англашга ёрдам беради. Буюк устозларимизни муסיқий мерослари муסיқий-эстетик тарбия муаммоларини ҳал этишда ноёб манба бўлиб хизмат қилади. Бу асарлар томошабинларнинг онги ва юрагини ҳаяжонга солувчи асарга айланади. Табиий равишда муסיқий бадиий образлар, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг реалистик ифодаси рақслар орқали акс эттирилади. Муסיқа тўғри таҳлил қилинса, рақс устида ишлаш чоғида унинг драматургияси аниқ ва батафсил лисон орқали ёритилади.

Ҳар бир хореографнинг саҳналаштириш амалиёти муסיқий композиция қонунларини назарий жиҳатдан чуқур билишидан бошланади. Бу билимлар хореографга рақс



композицияларини яратишда асосий йўл-йўриқ вазифасини ўтайди, рақснинг тартиби, уйғунлиги ва мазмунини тўғри шакллантиришга ёрдам беради. Шу боис, хореографнинг амалий фаолиятида композиция қонунларини, мусиқа ва хореография жанрларни, рақс лисони таркибини чуқур тушуниш ва уларни сахнада татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хореографик композиция асардаги барча унсурларни шундай уюштирадими, натижада унда биронта ҳам ортиқча унсур қолмайди. Ҳар бири асар бутунлигида ўзининг аниқ функциясига эга бўлиб, муайян ғоявий-бадий юк ташийди. Бу унинг гармонияси ва яхлитлигини таъминлайди, асарнинг таъсирчанлигини оширади ва томошабинлар учун жозибали қилади. Бадий таъсир воситалари жуда катта кучга эга бўлади. Бу ғоялар ҳаётдан олинади, бадий талқинлар асосида баён этилади ва томошабинда муайян таассурот уйғотади. Бадий мушоҳада образлар ижодкор кўнглидан чиқиб, воқеликка кўчиб ўтади. Хореографик асардаги шакл компонентларини мазмунни шакллантириш ва ифодалаш, уларни энг қулай тарзда уюштириш, мусиқий композициянинг зиммасидаги вазифа саналади. Бу албатта бўлажак хореографик асарда ёки рақсда илгари сурилаётган фикрни ифода этишга ёрдам беради. Ғоя ҳамма ишнинг негизи бўлиб - хореографик жиҳатдан яратилмаган сахна кўринишининг дастлабки ҳаёлий тасавури деб ҳисобланади. Ижодий ва тадқиқот изланишлар жараени эса тўғри мусиқий асарлар танлов қилишдан бошланади.

Шулардан бири сифатида Ўзбекистон давлат хореография академияси ва Юнус Ражабий номидаги Миллий мусиқа санъати институти профессор-ўқитувчилар билан ўзаро ҳамкорлигида яратилган “Рақснинг назму-навоси” деб номланган сахналаштирилган рақс кечасини келтириш мумкин. Спектакл премьераси 2024 йил 11-июн куни Муқимий номидаги мусиқий драма театрида бўлиб ўтиб ва Олий таълим муассасалари ўртасида инновацион-ижодий ҳамкорлик намунаси сифатида алоҳида аҳамият касб этди.



Тақдим этилган рақс спектаклида илк бора инсоният қалбига илҳом бағишлаб, дунёнинг гўзаллигига сайқал бериш учун Наво (қўй) ва Садо (рақс) ҳаётига кириб келиши, “Навруз” байрамини тўғилиши ва афсонага айланган Шам-у-Қамар муҳаббатти, мусиқа ва рақсни муҳим тиббий воситалар жумласига киритган буюк мутафаккир Абу



Али ибн Сино, жаҳолат қурбонига айланган Нурхон сиймолари миллий муסיқа ва хореография орқали гавдалантирилди.

Саҳнада халқимизнинг ўлмас муסיқа хазинаси, ўзбек миллий муסיқий санъатининг қадимий ва юксак жанрларидан бири ҳисобланган “Мақом” кўшиқлари, Фахриддин Содиков ва Абдулаҳат Абдурашидов лирик куйлари, ишқни ва висолни тараннум этувчи “Мавриги” кўшиқ ва яллалари Жасур Мухамедов, Илес Арабов ижросида янгради.

Шу боис “Рақсинг назму-навоси” номидаги рақс асарда ўтмиш ва бугунни уйғунлаштирган миллий муסיқий образлар ёрқин ифодасини топди.

Ушбу бу танланган муסיқий асарлар қаҳрамонлар қиёфасини, уларнинг ўзаро алоқасининг ифодалашда аксини топган бўлсада, ёш хореографлар миллий қаҳрамонларни ички оламини очиб бериш, уларнинг қалби, миллий руҳи, ўзбек халқига хос бўлган хусусиятлардан иборат миллий ҳислатини ҳам кўрсатиб беришга интилишди ва театр саҳнасида ишончли тарихий вазиятни яратишди. Ҳар бир саҳна кўринишлари бир-бирини тўлдириб динамик равишда ривожланиб борди. Асар қаҳрамонлари бир-бирига бўлган муносабатлари, ҳиссиётлари ва ўзаро тўқнашувлари билан томошабинни эътиборини воқеага тортиб, орқасидан чорлайверади.



Ёш талаба-хореографлар муסיқий ифодавий воситалар, рақс ҳаракатлари ва пантомима кабиларни органик уйғунлаштириш билан спектакль драматургиясини, сюжетини ривожлантиришига, бош қарамонлар характерини очиб беришга эришишди. Мазкур муסיқий – хореографик спектаклда барча устоз ва шогиртлар эмоционал тўлақонлиги билан спектаклни энг юқори нуктасига олиб чиқишди. Яратилган асарни муваффақиятини белгилаб берадиган энг асосий омиллардан яна бири шундаки, унда



Ўзбек миллий мусикасига хос жиҳатлар ҳамда рақслар юқори даражада ўз ифодасини топган. Мусиқий –хореографик асар устида ишлаш чоғида мусикашунослар ва хореографлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ишларининг самарадорлиги яна бир бор исботланди. “Рақснинг назму-навоси” миллий хореографик спектакл ўзбек миллий мусика ва миллий рақслар билан яқиндан танишишлари учун янги авлод ёшларига керакли манба бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳақиқий санъат асари истеъдодларнинг маҳорати билан уйғунлигида туғилади. Маҳорат эса кўплаб авлодларнинг энг сара анъаналарини ва тажрибасини саралаб тўплаган мактабда сингдирилади. Ғоя, мусика, драматургия ва хореографияни бир-бири билан ўзаро боғлиқ ишларининг яхлит занжири вужудга келади. Барчасининг ижоди ягона мақсадга хизмат қилади. Хореографик асарларни таҳлил қилиб шу нарсага ишонч ҳосил қилиш мумкинки, улар қизиқарли мусиқий тўхтаб, ёрқин мусиқий материалдан ва драматургиянинг яхлитлиги билан ажралиб туради, яъни уларнинг аниқ, яхши ишлаб чиқилган ғояси образларда ишончли намоён бўлиши кўриниб туради. Шунинг учун бу асарлар томошабин эътиборига сазовор бўлади ва даврлар синовидан муваффақиятли ўтади.

Ёш авлоднинг маънавий ва эстетик тарбиясини юксалтириш, улар ўртасида ўзбек миллий мусика ва рақс санъати намуналарини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган хореография санъатини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.¹

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abduxakimova D.M. Raqs kompozitsiyasi asoslari. O‘quv qo‘llanma. T.: “Navro‘z”, 2020. – 86 б.
2. Usmanova G.N. Raqs kompozitsiyasi asoslari. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Fan ziyosi”, 2022. – 152 б.
3. Горлина И. Г. Искусство балетмейстера. Учебная литература. – T.: “Fan ziyosi”, 2022. – 268 с.
4. Абдухакимова Д.М. Сифатли таълимда самара ва натижадорлик // Маданият чорраҳалари. 2023, № 1. – Б. 19-22.
5. Захаров Р.В. Работа балетмейстера с исполнителями М.: 1967 Искусство.
6. <http://elibrary.ru/item.asp?id=43816162>

¹ <http://elibrary.ru/item.asp?id=43816162>

